"Тасдиқлайман"
"Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК
Андижон филиали директори в.б.

________________ Б.Мўминов
"___"________________ 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичик даҳасидаги хизмат уйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объектнинг номи | Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичик даҳасидаги хизмат уйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши |
| 2 | Объектни жойлашуви | Андижон шаҳри |
| 3 | Лойихалаш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Президентининг «11» май 2018 йилдаги ПҚ-3713С-сонли қарори |
| 4 | Буюртмачи | "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК Андижон филиали |
| 5 | Буюртмачи манзили | Андижон шаҳар А.Фитрат кўчаси 214/а-уй |
| 6 | Иштирокчилар учун талаблар | Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичик даҳасидаги хизмат уйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши. Қурилиш ташкилотлари 2-категория |
| 7 | Харид режа жадвали | 2022 йил 2 квартал |
| 8 | Танлов ўтказиш ойи | Июнь |
| 9 | Танловнинг энг юқори қиймати (ҚҚС) билан | 80 084 163 сўм |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет ҳисобидан |
| 11 | Товар ва хизматлар етказиб бериш манзили шакли | Андижон шаҳар А.Фитрат кўчаси 214/а-уй |
| 12 | Товар хизматлари бажариш муддати | 30 кун |
| 13 | Таклифларни тақдим қилиш тартиби ва шакли | Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилган тартибга асосан |
| 14 | Таклифларни тақдим қилиш муддати | 5 кун |

**“Тасдиқлайман”**
**“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК**
**Андижон филиали директори в.б.**

**_________________ Б.Мўминов**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил «11» майдаги ПҚ-3713С-сонли қарорига асосан Андижон вилояти Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичик даҳасидаги хизмат уйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши ишларига пудратчи ташкилот танлаб олиш учун

# *ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ*

*Андижон шаҳар- 2022 йил*

**Танлов хужжатларннинг мазмуни:**

I. **Танлов ништнрокчнлари учун йурикнома**

II. **Техник кием**

III. **Нархлар киемн**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «11» май 2018 йилдаги ПҚ-3713С-сонли қарорига асосан Андижон вилояти Андижон шаҳри Коратут МФЙ 5-кичик даҳасидаги хизмат уйлари учун ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши.

1.2. Танловнинг предметнинг кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди. Туловлар икки боскичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларннинг техник кисмида илова килинган. Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб лойиҳа-смета хужжатларидаги иш ҳажмларига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 1. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

1.1. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Андижон филиали (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. “Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Андижон вилоят Андижон шахар А.Фитрат кўчаси 214/а уй. Эл.адрес: qqi-andijan@mail.ru

1.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

1.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- иш стажи 3 йиллик олий маълумотли дурилиш мутахассислига эга мажбурий рахбардан 1 киши мавжудлиги, 5 йиллик иш стажи эга инженер- техник ходимлар, доимий ишловчи 10 та малакали ишчилар мавжудлиги.
- Иштирокчи ташкилотининг молиявий ахволи.
- Қурилиш ишларини бажариш учун 10 бирликдан кам булмаган кичик механизация воситалари мавжудлиги.
- Курилиш майдонини кўрганлик ва лойихани урганганлик тугрисида маълумотнома.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм. “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган нштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.